

АҚШнинг Форс Кўрфази ва Яқин Шарқдаги неоконсерватизм геостратегиясининг асосий йўналишлари

*Тураев Абрар Салохиддинович,
Жиззах ДПИ катта ўқитувчиси*
<https://orcid.org/0000-0003-1741-6857>

Аннотация. АҚШ ташқи сиёсатида Яқин Шарқ ва Форс кўрфази минтақасининг аҳамияти янада ошиб бораётган бир даврда ташқи сиёсий қарорлар қабул қилиш ва стратегияларни ишлаб чиқиш жараёнларида неоконсерватив ғояларнинг устуворликка эга бўлиши Яқин Шарқ бўйича замонавий геостратегияларининг йўналишларини белгилашда неоконсерватив ғоялар таъсирининг ошишига имкон яратди. АҚШнинг Яқин Шарқдаги геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда совуқ урушдан кейинги даврларда АҚШ неоконсерватизмининг Яқин Шарқ геостратегиясининг геоиқтисодий манфаатлар ва терроризм, Ироқдаги номақбул режим, Эроннинг ядровий дастури, Исроил хавфсизлиги каби концептуал йўналишларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар. АҚШ, неоконсерватизм, Яқин Шарқ, геостратегия, ташқи сиёсат, сиёсий мафкура

АҚШ неоконсерватизмининг Яқин Шарқ геостратегиясининг геоиқтисодий манфаатлар борасидаги вазифалари бир вақтнинг ўзида сиёсий ва хавфсизлик вазифалари билан чамбарчас боғлиқдир. Эътибор берадиган бўлсак, неоконсерватор назариётчилар томонидан асосланган иқтисодий манфаатлари ижроси охириги Республикачилар ҳукумати даврида деярли амалга оширилди.

АҚШ ўзининг барча минтақалардаги иқтисодий манфаатларини ҳарбий куч ёрдамида ва минтақалардаги жараёнларга сиёсий аралашув орқали амалга оширишга ҳаракат қилади. Кўпчилик мутахассислар эътирофига кўра, бунга яққол мисол сифатида АҚШнинг Ироққа нисбатан ҳарбий операциясини келтириш мумкин. Кўпчилик мутахассислар томонидан Ироқ лидерини ағдаришга асосий ички ундовлардан бири бу Ироқ нефти бўлганлиги таъкидланаётганлиги ҳам АҚШ неоконсерваторлари олдида турган асосий вазифалардан бири иқтисодий барқарорлик учун имкониятлар излаш эканлигини тушуниш мумкин. Бу борада биз юқоридаги параграфда фикр юритишга ҳаракат

қилган эдик. Бундан ташқари, Бахрейн, БАА, С.Арабистони нефть минтақаларига бўлган таҳдидни бартараф этиш ва минтақа давлатлари иқтисодиётига бошқа ташқи кучларнинг фаол аралашувига (асосан дунё нефть нархи устидан назорат қилиш) чек қўйиш ҳам асосий масалалардан бири бўлиб келади.

1995 йилда республикачи сенатор Б.Доул “Америка сиёсий стратегиясининг келгуси муҳим жиҳати табиий манбаларга бўлган имкониятни сақлаш бўлиб, асосий эътиборни Форс кўрфази энергия манбаларига қаратиш лозим”, деб таъкидлайди. Ўз фикрини давом эттириб, яна яқин келажакда Америка учун хавф туғдирувчи тўсиқларга тўхталар экан, унинг фикрича ...мустақамланаётган Ироқ Саудия Арабистонидаги нефть ишлаб чиқариш ишларига таҳдид солмоқда ва радикал кайфиятдаги Эрон Форс кўрфази ҳукуматларига интилмоқда¹.

2000 йилдан кейинги воқеалар ривожига эътибор берсак, АҚШда янги ҳукуматнинг келиши, ҳукумат аъзолари ва асосий ташқи сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнларидаги иштирокчиларнинг неоконсерватив қарашларга эга жамоанинг юзага келиши билан Ироқ тузумини ағдариш мақсадларини оқловчи ахборот урушлари авж олдирила бошланган эди. Бундан ташқари, шу каби мақсадларни қўллаб - қувватловчи давлатлар коалициясига бўлган интилиш ҳам кучайган эди.

Россиялик тадқиқотчилардан С.Самуйлов неоконсерваторларнинг иккинчи авлоди томонидан яратилган муҳим ҳужжатларни, хусусан, “Янги Америка асри учун лойиҳа” ҳужжатлари ҳамда “Буш доктринаси”ни таҳлил қилар экан, неоконсерваторлар ҳукуматга кучли таъсир кўрсатганлигини таъкидлайди.²

Бундай таъсирлар борасидаги мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Хусусан, 2001 йил апрелда кичик Ж. Буш ҳукуматида “Оммавий сиёсат институти”дан Ж.А. Бейкернинг “Энергетик хавфсизлик” доклади тақдим этилди. Таниқли неоконсерватор Бейкер катта Ж.Буш ҳукумати даврида давлат котиби бўлиб хизмат қилган эди. Докладда таъкидланишича: “Ироқ АҚШнинг Яқин Шарқдаги иттифоқчиларига нисбатан беқарорлаштирувчи таъсирини ўтказишда давом этмоқда, халқаро ва дунё тартиботига ва Яқин Шарқдан дунё

¹ Сарабьев А.В. США: геополитические прогнозы 90-х годов и современные ближневосточные реалии. http://socionet.ru/publication.xml?h=repec:rus:soctwo:sarabyev_alexey.37887-2.

² Самуйлов С.М. Неоконсерваторы и внешняя политика Вашингтона// США и Канада. Экономика. Политика. Культура. – 2006. - №5. – С.31-50.

бозорига нефть етказиб бериш жараёнларига тахдид солмокда. АҚШ бевосита Ироқнинг бугунги ҳарбий, энергетик ва сиёсий-дипломатик ҳолатини сиёсий таҳлили этиши лозим...”³. Бу каби фикрларни АҚШ олимларидан бири М.Клернинг “Манбалар учун кураш” китобида таъкидлаган қуйидаги жумлалар билан тўлдириш мумкин: “Ироқ устидан назорат нефтни куч сифатида эътироф этишга олиб келади. Форс кўрфази устидан назорат Европа, Япония ва Хитой устидан назорат қилишга ва нефть жўмрақларининг ўз қўлимизда қолишига имкониятни беради”⁴. Шу ўринда таъкидлаш керакки, неоконсерваторлар учун Яқин Шарқ минтақадасиги геоиқтисодий манфаатларининг нақадар долзарб эканлиги 2001 йил 20 сентябрдаги РНАСнинг Ж.Бушга йўллаган мактуби мазмунидан ҳам яққол сезилади. Масалан, унда ҳатто, 11 сентябрдаги террорчилик хуружларга Ироқнинг тўғридан тўғри алоқаси тўғрисида далиллар топилмаган ҳолатда ҳам Ироқдаги С.Ҳусайн тузумини ағдариш кераклиги очикдан-очик эътироф этилган⁵. 9/11 воқеларидан уч йил олдин 1998 йилнинг 26 январида неоконсерватив ақлий марказлардан бири “Янги Америка асри учун лойиҳа” томонидан АҚШнинг Яқин Шарқдаги ташқи сиёсатининг янги концептуал ёндашуви тақдим этилди. Унда АҚШ ва унинг дўстлари, бутун дунё Саддам Ҳусайннинг ядровий таҳдиди остида турганлиги таъкидланади. Ва бу тахдид унинг режимини тугатишга даъват бўлиб хизмат қилади⁶.

Афғонистондан кейин Яқин Шарқда тартиб ўрнатиш вақти келганлиги ва тўғридан тўғри ҳарбий аралашувларни қўллаш лозимлигини кўпчилик АҚШ сиёсий элита вакиллари таъкидлаша бошлашди. Муайян ижтимоий гуруҳлар – сиёсий элита доимо мамлакат ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи сиёсий қарорларни очик ва ёпиқ равишда қабул қилишда етакчи ўринни сақлаб қолишга ҳаракат қилишларини таъкидлаш ўринли. Улар давлат ва кишилар номидан “ҳаётий муҳим миллий манфаатлар”ни шакллантирадидлар, мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашда масъул ҳисобланадилар. Шу боис,

³ Amy Myers Jaffe. [Baker Institute Policy Report 15: Strategic Energy Policy: Challenges for the 21st Century](http://www.bakerinstitute.org/publications/study_15.pdf) // http://www.bakerinstitute.org/publications/study_15.pdf.

⁴ Майкл К. Войны за ресурсы // <http://www.washprofile.org/?q=ru/node/5743>.

⁵ Project for the New American Century, Letter to President Bush on Iraq, 20th September 2001 // (consulted July 2006): <http://www.newamericancentury.org/Bushletter.htm>

⁶ Halper S. & Clarke J. America Alone: The Neoconservatives and the Global World Order. – Cambridge University Press, 2005 - P.33

хар бир давлат ички ва ташқи сиёсатини ўрганишда, уни таҳлил этишда қайси ижтимоий гуруҳ ҳукмрон мавқеларни эгаллаб турганликларини инобатга олиш керак бўлади.⁷ АҚШ сиёсий элитаси кўпчилигини неоконсерваторлар ташкил этиб, бу даврда ҳукуматдаги муҳим бошқарув мартабаларига ҳам кўтарилган эди.

Неоконсерваторлардан П. Вулфовиц Ироққа қарши қуролли ҳаракатларни 11 сентябрдан тўрт кун ўтибоқ, ҳеч қандай асосларни келтирмаган ҳолда ёқлаб чиққанлиги маълум. Вулфовиц Ироқ ҳақида фақатгина китоблар орқали танишган бўлсада, уни Ироқ 1979 йилдаёқ ташвишлантира бошлаганини таъкидлайди⁸. Шуни таъкидлаш керакки, неоконсерваторларнинг ўн йиллар давомидаги муҳокамаларида Ироқ, Эрон, Сурия каби давлатлар етакчи ўрин эгаллаган бир вақтда, 11 сентябр воқеалари бу давлатларга нисбатан кескин сиёсатнинг кучайтирилишига туртки бўлди.

Майкл Лидин каби неоконсерватор ташқи сиёсий таҳлилчилар Ироқнинг босиб олинишини Яқин Шарқдаги босқинларнинг биринчи қадами сифатида баҳолайди. Уларнинг фикрича, террор тузумларни тугатишнинг кейинги қадамлари Эрон, Ироқ ва Сурияда юз беради...⁹

Яқин Шарқ бўйича америкалик эксперт Ж.Кемпнинг таъкидлашича, Буш ҳукумати 2002 йил бошларидаёқ Афғонистондан кейинги ҳарбий ҳаракатлар объекти Ироқ бўлиши ҳақида ва 2005 йилгача С.Ҳусайн тузуми ағдарилиши тўғрисида қарор қабул қилиб бўлинган¹⁰. Гарчи АҚШнинг энергетика ресурсларининг импортининг 17,6 фоизи Яқин Шарқ минтақасига ва 41,3 фоизи Канада, Мексика ва Венесуэла ҳиссасига тўғри келса-да¹¹, Федерал резерв тизимининг собиқ раҳбари Алан Гринспен (Alan Greenspan) ва сенатор Жон Маккейн (John McCain) тан олишича, Ироқ уруши нефть туфайли бошланди. Гринспен ўз мемуарларида ёзишича Ироқ уруши асосан нефть туфайли олиб борилган. Юқорида бир неча бор таъкидланганидек, иқтисодий

⁷ Умаров Х.П. Сиёсий қарорлар қабул қилишда инсон омили // Ҳозирги замон сиёсий жараёнларида инсон омили: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами: Тошкент, 2008 й. 11 декабр / Масъул муҳаррирлар: Ш.А. Ёвқочев, Б.Э. Очилов. – Т.: ТошДШИ, 2008. – Б.43 .

⁸ See: Halper S and J. Clarke. America Alone: The Neo-Conservatives and the Global Order. Cambridge: Cambridge University Press, 2004. - Pp. 9–39.

⁹ Ledeen M. The War Against the Terror Masters: Why It Happened. Where We Are Now. How We'll Win (First Edition). St. Martin's Griffin Press, 2003. – P.159

¹⁰ Сарабьев А.В. США: геополитические прогнозы 90-х годов и современные ближневосточные реалии. http://socionet.ru/publication.xml?hXrepec=rus:soctwo:sarabyev_alexey.37887-2. ¹¹ Георгий Мирский, Большой Ближний Восток — самый конфликтный регион мира // <http://www.wpec.ru/text/200704171449.htm> – Клуб мировой политической экономики

манфаатлар, хусусан энергетика омилининг геосийёсий аҳамияти ортиб бораётганли аён бўлмоқда. Ироқ операциясининг шакллантирилиши ҳам бу омилга бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатади. Ушбу ҳолатни Президентимиз И.А.Каримовнинг куйидаги сўзлари билан ифодалаш мумкин “ ...кимда-ким нефть ва газ захираларига ҳукмронлик қилса, дунёга ҳукмрон бўлиши мумкин деган қарашлар кучайиб бомоқда. Ва аксинча – кимдаки шундай ресурслар бўлмаса, нефть-газ, умуман, углеводород ҳам ашёсига эга бошқа давлатларга нисбатан турли ҳаракатлар ҳам содир бўлаяпти. Чунки қудратли давлатлар яхши биладики, мана шундай бойлик кимнинг қўлида бўлса, у бошқаларни ўз таъсирига олишнинг калити, воситаси бўлиб хизмат қилади”¹¹.

АҚШ неоконсерваторларининг ҳарбий кучдан фойдаланиши назариётчилари томонидан асослаб берилган бўлса, муҳолифатдаги сийёсий кучларнинг бу масалага муносабатини ҳам эътиборга олиш керак. Бу борада Ироқ муаммосининг куч билан ҳал этилишини ҳам неоконсерваторлар, ҳам демократ либераллар бирдек ёқлаганлигини И.Шумилин куйидагича изоҳлайди: “Бундай умумхалқ консенсуси учун Ироқ тузуми куйидаги таҳдидларни келтирарди: а) АҚШ хавфсизлигига, б) АҚШнинг Яқин Шарқдаги манфаатларига (фаластинисроил мажорасининг истиқболли ҳал этилиши, Форс кўрфази монархиявий тузумлар барқарорлиги). Бундан ташқари, АҚШнинг Ироқ устидан назорати Сурия ва Эрон учун ташқи қуршовга олиниш қуроли бўлиши мумкин...Ироқда Америка ҳарбий кучларининг мавжудлиги бу давлатлар тузумлари учун муҳим босим ўтказиш ричаги бўлиши мумкин”¹².

Россиялик тадқиқотчи А.Арбатовнинг фикрича, Вашингтоннинг асосий мақсади минтақада АҚШ учун устун бўлган америкапараст тузумни ва Эронга қарши минтақавий ҳарбий-сийёсий кучни ташкил этиш эди. Шу билан бирга, АҚШ С.Арабистонга бўлган қарамлилигини камайтириш ва ОПЕКни кучсизлантиришни мақсад қилган эди.

Кичик Ж.Буш маъмурияти Ироқ ҳарбий операциясини асословчи учта сабабларни келтиради. Биринчидан, Саддам Ҳусайн ОҚҚ(Оммавий қирғин қуроллари)га эга ва бу бевосита АҚШ хавфсизлигига таҳдид солади. Иккинчидан, Ироқ Ал-Қоида каби террорчи гуруҳлар билан

¹¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрят. 14-жилд. – Т.:Ўзбекистон, 2006. – Б.105

¹² Шумилин А.И. Эволюция политики администрации Буша на Ближнем Востоке: от дистанцирования к активному вмешательству // Политика США в меняющемся мире. – М., 2004. – С. 265.

узвий алоқаларга эга бўлиб, уларнинг ҳам ОҚҚга эга бўлишига ёрдам бериш мумкин. Учинчидан, жабр кўраётган ироқликларни Саддам Хусайн зулмидан озод қилиш¹³. Ироқдаги тузум ўзгариши билан боғлиқ ўзига хос фактлардан бири шундаки, Ироқдаги шиа мазҳабига мансуб аҳоли АҚШ аскарларини озодлик элчилари сифатида юксак кайфиятда кутиб олди¹⁴. Демак, неоконсерваторларнинг Ироқ стратегиясида маълум даражада “юмшоқ куч” таъсиридан ҳам фойдаланиш инобатга олинганлиги маълум бўлади.

Ҳарбий ҳаракатлар натижасида С.Хусайн кўлида ОҚҚ йўқ эканлиги тушунтириляётган бир даврда Буш ҳукумати Ироқ урушини оклашга ҳаракат қила бошлади, эркинлик ва демократия учун кураш терроризмга қарши кураш урушида асосий қурол сифатида қўйила бошланди. Лекин демократия тўғрисидаги иддаолар АҚШ гегемонлигини кенг ёйишнинг ниқоби сифатида халқаро ҳамжамият норозилигига сабаб бўлди. Бу салбий муносабатлар борасида неоконсерваторлар фикр юритишар экан, ўтган ўн йилликдаги ҳеч бир воқеа, 11 сентябрь воқеаларидан ташқари, АҚШнинг дунёдаги мавқеига салбий натижалар олиб келмади. Кўпчиликнинг Ироқдаги ҳолати-чи деган фикрига келсак, АҚШнинг Яқин Шарқдаги ва бошқа жойлардаги ҳарбий ҳаракатлари натижалари стратегик конфигурациянинг фундаментал ўзгаришларига сабаб бўлмади, дея таъкидлайди Р.Каган.¹⁵ Энг асосий йўқотиш Ироқ учун биринчи навбатда демографик йўқотишдир. АҚШ интервенциясидан 2012 йилгача бўлган даврда 170 минг тинч аҳоли ўлдирилган, 250 мингдан ортиқ киши яраланган, шулардан асосий қисми 1-гуруҳ ногиронига айланганлар. 2,5 миллион қочоқлар Ироқни тарк этишган, шулардан 1 миллиони Сурияга чекинадилар. Охириги йилларда қочоқларнинг ватанга қайтиши кузатиляётган бўлсада уларнинг сони 10 минг кишидан ошмайди, бу ҳам бўлса Суриядаги фуқаролар урушидан паноҳ изляётган аҳолидир.

АҚШнинг Яқин Шарқдаги геостратегиясининг яна бир муҳим йўналиши минтақадаги умумий манфаатлари хавфсизлигига бўладиган таҳдидларни бартараф этиш муаммосидир. Бу бевосита терроризм, ядровий таҳдидлар билан боғлиқ .

¹³ Fukuyama F. After the Neocons: America at the Cross-Roads. – Yale University Press, 2006. – P.78-79

¹⁴ Rogers, P. 2008. Why we're losing the War on Terror. Polity Press. 94

¹⁵ Каган Р. По-прежнему 'номер один' // <http://www.inosmi.ru/translation/245002.html> . - 30 октябрь. - 2008

2000 йилдаги сайлов кампаниялари давомида Ж.Буш АҚШнинг бошқа давлатларнинг миллий давлатчилик қуриш жараёнида иштирок этишини ва қўллаб-қувватлашни таъкидлаб ўтди. Ўша вақтда АҚШ ташқи сиёсати масалалари бўйича бош маслаҳатчи лавозимида бўлган К. Райс (2000 йилда миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчи лавозимига ўтган) янги республикачилар маъмуриятининг хавфсизлик доирасидаги муҳим вазифаларини белгилаб ўтган эди: “Вазминлик сиёсати (deterrence), Америка манфаатларининг муҳофазаси учун кучларни шакллантириш, эркин савдо ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш, иттифоқчилар билан муносабатларни мустаҳкамлаш, дунёнинг йирик давлатлари билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш (Россия ва Хитой мисолида) ва оммавий қирғин қуролларини яратишга қодир давлатларга нисбатан қатъий чоралар кўриш”¹⁶.

Неоконсерваторлар нуктаи назарига кўра, ядровий қуролга эга бўлишдан кўра унга эга бўлган тузумнинг демократик эканлиги ва АҚШга нисбатан дўстона ҳарактерга эга эканлиги муҳимдир. Шунинг учун тузумни ўзгартириш заруратини тақозо этади. Демократияни ўрнатиш мақсадида тузумни ўзгартириш неоконсерваторлар фикрича терроризм таҳдидини бартараф этишнинг универсал воситасидир¹⁷.

1990-йилларнинг бошида Эрон ҳам, Ироқ ҳам АҚШнинг Яқин Шарқдаги манфаатларига таҳдид солувчи мамлакатлар сифатида АҚШ сиёсий дастурларида эътироф этила бошланган эди. 1990- йиллардан кейинги неоконсерваторларнинг иккинчи авлоди даври бошланиши ва уларнинг АҚШ ташқи сиёсий йўналишларини белгиловчи назарий-метадологик ғоялари асосларида Эрон муаммосининг мавжудлиги бугунги кундаги АҚШ-Эрон муносабатларини таҳлил этишда муҳим аҳамият касб этади. 1993 йили Эрон ва Ироқ давлатларига нисбатан “иккитомонлама ушлаб туриш” (dual containment) сиёсати эълон қилинган эди. Унга кўра, АҚШ билан муносабатларининг яхшиланиши учун Эрон қуйидаги талабларни бажариши лозим: халқаро терроризмни қўллабқувватлашни тўхтатиш; “Хамас” ташкилотини қўллаб-қувватлашдан бош тортиш ва араб-исроил тинчлик музокараларида халақит бермаслик; дунёда “беқарорлаштирувчи исломий ҳаракатлар”

¹⁶ Rice C. Promoting the National Interest // Foreign Affairs. – 2000. - № 79. – Pp. 45-62.

¹⁷ Ананьева Е. “For who we are ?or for what we are”Внешнеполитическая полемика в США // Международная жизнь. -№2. -2006. - С.19-31

га ёрдамни тўхтатиш; ўзининг ҳарбий салоҳиятини қисқартириш; ОҚҚ ишлаб чиқаришдан воз кечиш.¹⁸

Б.Клинтон президентлиги даврида Эронга нисбатан қўлланилган бир қатор иқтисодий, молиявий чекловларнинг амалга оширилишига қарамай, АҚШ талабларини Эрон рад қилиб келган. 1995 йил 25 майда АҚШ миллий ҳавфсизлик кенгашида сиёсий тийиб туриш кўп томонлама ҳаракатлар қаторида бир қатор бир томонлама чора тадбирлар кўришни талаб қилинаётгани таъкидланади. Умуман ҳукумат тепасига кичик Ж.Буш маъмурияти келгунича бўлган даврда АҚШ томонидан Эронга нисбатан қаттиқ чора тадбирлар кўрилмаган. Шунинг учун ҳам АҚШ неоконсерваторлари катта Ж.Буш ва Б.Клинтон ҳукуматининг юмшоқ сиёсати ва ҳарбий ҳаражатларни қисқартириш сиёсатини танқид қилишади. АҚШнинг Яқин Шарқдаги манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ташқи сиёсат бўйича Америка кенгашининг вице-президенти Айлан Берман таъкидлайдики: “АҚШ ташқи сиёсати кун тартибда Эрон Ислом Республикасидек ҳеч бир муаммо асосий ўринни эгалламайди”¹⁹.

2001 йил 20 сентябрдаги РНАСнинг президентга очиқ хатида АҚШ учун ҳужум вақтидаги нишонлар рўйхати кўрсатилиб, Ироқ ва Эрон алоҳида таъкидланган. Бу ҳат 41 неоконсерваторлар имзоси билан тасдиқланган ва агар Эрон “Ҳизболлоҳ” билан муносабатларни узмаса ва Сурияга ёрдамларини тўхтатмаса Буш ҳукуматини Эронга тўғридан-тўғри кескин чоралар кўришга чақирган эди²⁰.

АҚШ ҳукуматида неоконсерватив ғоялар таъсирининг кучайиши ва 9/11 воқеаларидан кейин Эронга нисбатан кескин қарашлар кўлами ортди. 2002 йил президент Ж.Буш Эронни “ёвузлик ўқи” (axis of evil) мамлакатлари қаторига қўшиши ҳам Эронга нисбатан сиёсатнинг янги йўналишини белгилади. 2003 йил апрелда АҚШ Давлат Котибининг курулганини назорат қилиш бўйича ўринбосари, кескин сиёсат тарафдори Ж.Болтон Вашингтондаги “Америка-Исроил оммавий алоқалари комитети”нинг йиллик йиғилишидаги маърузасида Эроннинг ядровий қурол билан таҳдид қилиш эҳтимолини муҳокама қилган ҳолда, Саддам тузумининг ағдарилганидан сўнг Эрон ядровий

¹⁸ Мирский Г. Иран и США: противостояние на фоне «ядорного кризиса»// Мировая экономика и международные отношения . - №7. – 2006. – С.5.

¹⁹ Berman.A.L. Iran’s Atomic journey // National Interest. - №80. - summer 2005. – P.139.

²⁰ Project for the New American Century, Letter to President Bush on Iraq, 20th September 2001 //(consulted July 2006): <http://www.newamericancentury.org/Bushletter.htm>

дастури энг муҳим масала бўлаётганини таъкидлаган. У яна Эрон ва Суриянинг Ироқ урушидан сабоқ олишларига чақирган²¹.

Бугунги кунда АҚШ – Эрон муносабатларидаги асосий масала Эроннинг ядровий қурол ишлаб чиқариш мақсадларига бўлган муносабат ҳисобланади. Бундан ташқари Эроннинг бутун дунёда ислом инқилобини тарғиб этиш ғоялари неоконсерваторларнинг демократияни тарғиб этиш ғояларига хавф туғдирмоқда.

2004 йили АҚШ ҳукумати ядровий қурол ишлаб чиқаришга қаратилган бир нечта Эрондаги объектларга мудофаавий ҳужумлар бўлиши мумкинлиги ҳақида ахборот берганди. Кейинчалик 2005 йили АҚШда неоконсерваторларнинг фаол иштирокида “Бирлашган ядровий операциялар Доктринаси” қабул қилинди. Унга кўра душманга нисбатан АҚШ ҳарбий устунлик салоҳиятига таянган ҳолда мудофаа характеридаги ҳужумлар уюштириш ва бу вазифаларини халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда эмас, балки АҚШнинг бир томонлама ҳаракатлари билан бажариш кўзда тутилади²².

2006 йил бошидаги Эроннинг ядровий тадқиқотларни қайта бошлашини эълон қилиши вазиятнинг янада мураккаблашишига олиб келди.

Америкалик олим Ж.Перковичнинг таъкидлашича, АҚШ Республикачилар ҳукуматининг ОҚҚни тарқатмаслик масаласида қараши шундан иборатки, ҳукумат аъзоларидан кескин нуқтаи назарига эга бўлган неоконсерваторлардан Р.Жозеф ва Д.Фейт..././,лар фикрича муаммо ядровий қуролга эга бўлиш эмас, балки унинг “ёмон одамлар” кўлида бўлишидадир²⁴.

Бугунги кундаги Эрон ядровий дастурининг асосий муаммоси уранни бойитиш жараёнларини юзасидан вужудга келган карамақаршилиқ ҳисобланади. 2003-2004 йиллари собиқ Эрон президенти М.Ҳотами даврида халқаро босим остида уранни бойитиш ишлари тўхтатилган эди. Лекин 2005 йил ҳокимиятга келган М.Аҳмадинажод уранни бойитиш ишларини қайта жонлантиришни эълон қилди. 2007 йил 3 декабрда АҚШ миллий разведка хизматининг Эроннинг ядровий дастури юзасидан докладини эълон қилди. Унга кўра,

²¹ Грачева Т.В. Военная политика США сквозь призму философии и персоналий // <http://www.bestreferat.ru/referat-2126.html>. - 16 декабрь. - 2004 г.

²² [Doctrine for Joint Nuclear Operations. www.globalsecurity.org/wmd/library/policy/dod/jp3_12fc2.pdf](http://www.globalsecurity.org/wmd/library/policy/dod/jp3_12fc2.pdf) ²⁴ Ананьева Е. “For who we are ?or for what we are”Внешнеполитическая полемика в США // Международная жизнь. - №2. – С .26.

Эрон 2003 йилда ўзининг ҳарбий ядровий дастурини тўхтатган. Албатта бу АҚШ ҳукумати, неоконсерваторлар ва Исроил томонидан салбий баҳоланишига олиб келди. Масалан, собиқ ҳарбий разведка бошлиғи А.Фаркаш бу ҳисобот Эронга ўзининг ядровий ҳаракатларини кучайтириши учун эшикларни янада очиши ва АҚШнинг ҳарбий куч ишлатиш мумкин бўлган эҳтимолини камайтиришини хавотир билан таъкидлаган эди. Шунга қарамадан, Вашингтон сиёсий тадқиқотлар институти “Янги интернационализм” лойиҳаси директори Ф.Денис бу доклад АҚШ ҳукумати учун, айниқса Ж.Буш ғоялари учун тўсик бўлолмаслиги, Исроилга бўладиган таҳдид эҳтимоли сақланар экан бу ҳисобот ҳеч нарсани ҳал этолмаслигини уқтириб ўтади.²³

Юзага келган танглик шароитида жараённинг келгуси ривож борасида россиялик сиёсатшунос Г.Мирский АҚШ – Эрон муносабатларидаги 3 сценарийни эътироф этган: 1) АҚШ Европа ёки жаҳон ҳамжамиятининг бошқа бир аъзолари билан биргаликда Эронга ядровий қурол ишлаб чиқариш ва урanni бойитиш ишларидан воз кечиш учун дипломатик босим ўтказиши лозим; 2) Агар бу натижасиз тугаса Эронни иқтисодий жазо чоралари билан изоляция қилиш; 3) АҚШ ёки Ғарб Эронни яна бир ядровий давлат сифатида тан олиши²⁴.

Г.Аллисон бу масалада Россия билан ҳамкорлик қилишга асосий эътиборни қаратиш лозимлигини таъкидлайди. У “уч Йўқ доктрина”ни таклиф қилган: материал заҳираларга имкониятни ёпиш, янги давлатларда янги заҳиралар ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва янги ядровий держава шаклланишига йўл қўймаслик²⁵.

Ўз даврида бир қатор таҳлилчилар Эроннинг стратегик ва ядровий объектларига АҚШнинг ҳаводан зарбалар бериш эҳтимолини ҳам беъэтибор қолдиришмаган. Лекин бундай ҳолатда Эрон томонидан қарши зарбалар бўлишини, натижада минтақа учун ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий инқирозларнинг кучайиши эҳтимоли ҳам инобатга олиниши лозим. Ҳарбий ҳаракатлар дунё нефть таъминоти жараёнларига салбий таъсир кўрсатиши табиий. Британия ОАВда берилган маълумотларга қараганда бир неча АҚШ армия бошқаруви амалдорлари Эронга ҳарбий зарбалар беришга буйруқ олишлари билан истеъфога

²³ Денис Ф. Иран в перекрестном огне // <http://geopolitica.ru/Articles/125/>. - 2008-03-04.

²⁴ Мирский Г. Иран и США: противостояние на фоне «ядерного кризиса» // *Мировая экономика и международные отношения*. - 2006. - №7. – С. 13.

²⁵ Ананыва Е. “For who we are ?or for what we are” Внешнеполитическая полемика в США // *Международная жизнь*. - 2006. - №2. – С. 19-31

чиқишларини таъкидлашган. Фақат минтақадаги Исроил давлатигина бугунги кунда АҚШнинг Эронга ҳарбий зарбалар бериш ғояларини ҳамон қўллаб-қувватлайди.

Эроннинг янги раҳбарияти ҳалқаро ҳамжамият билан муносабатларда ядровий дастур борасида нисбатан ён босиш сиёсатини маъқул кўрмоқда. Ўзининг мўътадил қарашлари билан ном қозонаётган янги президент Ҳ.Рухоний ядровий дастур борасида АҚШ билан муносабатларида ҳам демократларга хос вазминлик сиёсати шакллантиришга уринмоқда. Бугунги минтақадаги сиёсий кескинлик шароитида 2015 йилнинг март ойи сўнги ҳафтаси давомида Швейцариянинг Лозанна шаҳрида давом этган Эрон ядровий дастури бўйича музокаралар яхши янгилик билан якунланди. Маълумотларга кўра, якуни ҳужжат 30 июнь куни имзоланади. Эрон ва АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хитой, Россия + Германия иштирокидаги мулоқотлар 31 март куни якунланиши керак эди, аммо 2 апрелга қадар давом этди. Келишув самарали тугалланса, Эроннинг нефть ва банк соҳасига жорий қилинган ҳалқаро санкциялар бекор қилинади. Келишувнинг тафсилотларига кўра, Эрондаги ураннынг катта қисми мамлакатдан олиб чиқиб кетилади. Албатта мазкур келишув сиёсатига АҚШ неоконсерваторлари ва Исроил раҳбарияти салбий муносабат билдирмоқда. Исроил бош вазири Биньямин Натаняху ҳар қандай битим Эроннинг ядровий қурол яратиш қобилиятини сезиларли даражада чеклаши ҳамда унинг терроризм ва агрессиясини тўхтатиши кераклигини қайд этган. Натаняху АҚШ Конгрессидаги маърузасининг асосий қисмини Эрон таҳдидига бағишлади. Унинг фикрича, Эрон нафақат Исроилга, балки Яқин Шарқ минтақаси учун таҳдид эканлигини уқтирди. Бош вазирнинг наздида, Эронга таклиф қилинаётган янги битим натижасида мавжуд санкциялар бекор қилинганча, ушбу мамлакат тез орада ядровий қурол яратиш имкониятига эга бўлади. Чунки Эронда жуда катта ядровий инфратузилма қолади. Эрон санкцияларни бекор қилиш ҳақида келишишдан олдин ўз кўшниларига нисбатан агрессив сиёсатини тўхтатиши, ҳалқаро миқёсда терроризмни қўллаб-қувватламаслиги ҳамда Исроил давлатига таҳдид солмаслиги керак, деди Исроил ҳукумати раҳбари.

Умуман, АҚШнинг Эрон билан муносабатларидаги келишув сиёсати неоконсерватив ОАВда салбий қабул қилиниб, Эронга нисбатан ҳарбий кучлардан фойдаланиш масаласи кенг тарғиб қилинмоқда.

Эрон ядровий дастури ва терроризм билан боғлиқ бўлган ва АҚШ неоконсерваторларини ташвишлантираётган масалалардан бири Исроил давлати хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Бундай ёндашув АҚШнинг Яқин Шарқдаги неоконсерватизм стратегиясининг муҳим йўналиши эканлиги билан белгиланади. АҚШ ҳукуматида неоконсерваторлар таъсирининг кучайиши билан Исроилнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи энг биринчи вазифага кўтарилишига олиб келди. Бунинг асосий сабабаларидан бири кўпчилик неоконсерватив ғоялар тарафдорларининг яҳудий миллатига мансуб бўлиши ва Исроил манфаатларини ҳимоя қилишда деб эътироф этиш мумкин. Кичик Ж.Буш ҳукумати даврида яҳудий неоконсерваторлар давлатнинг муҳим бошқарув мансабларини эгаллашди ва ташқи сиёсий стратегияларда Исроил хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб эта бошлади. Исроилнинг анъанавий манфаатларидан келиб чиқилса, улар республикачиларни эмас, балки демократларни ҳимоя қилишга ҳаракат қилиб келишган. Россиялик олим А.А.Кокошиннинг таъкидлашича, анъанавий демократик партия йўналишини қўллаб-қувватловчи АҚШ яҳудий жамоасининг салмоқли қисми 2000 йилги президентлик сайловларида Республикачиларнинг келиши билан Республикачилар партиясига бўлган интилишлари кучайди ва йўналишларини ўзгартиришди. Чунки бу даврда АҚШ Республикачилар ҳукуматининг ташқи сиёсий стратегияларини шакллантиришда Исроил манфаатлари долзарб даражада эди. 1996 йили неоконсерватив ғоялар тарафдори, Исроил манфаатлари ҳимоячиси Р.Перл Д.Фейт ва Д.Вурмсерлар иштирокида “Янги Тактика: Минтақа хавфсизлиги бўйича янги стратегия” ҳужжатини тайёрлашди ва Исроил бош вазири Б.Натаняхуга тақдим этишган. Ҳужжатда кўрсатилишича, Исроил фаластинликлар билан музокаралар олиб бориш ва тинчлик муносабатларида ҳудудлар алмашинуви сиёсатини рад этиш лозим, ягона ечим урушга чақиришдир: “Исроил ўзининг стратегик атроф-муҳитини кучсизлантириши ва ҳатто Сурия тузумини ағдариш воситаларини ўзгартириши мумкин. Исроил ҳаракатлари С.Ҳусайнни ағдариш билан мос келиши керак. Келгуси Ироқ Яқин Шарқ минтақасида стратегик мувозанат ўрнатиш ишларида муҳим ролни ўйнайди”²⁶. Бу ҳужжатда Ироқ билан бошланувчи Яқин Шарқда

²⁶ A Clean Break: A New Strategy for Securing the Realm <http://www.iasps.org/strat1.htm>

“Ижодий йўқ қилиш стратегияси” ишлаб чиқилган эди. Айниқса, кичик Ж.Буш ҳукумати ҳокимиятига келиши билан неоконсерваторлар томонидан АҚШ миллий манфаатларида Исроилни ҳимоя қилиш очик таъкидлана бошланди. Назариётчи У.Кристал: “Икки жаҳон урушида АҚШ миллий манфаатлари Франция ва Буюк Британияни ҳимоя қилиш бўлса, бугунги кунда АҚШ миллий манфаатлари Исроилни ҳимоя қилишдир, чунки у таҳдид остида турибди. Бу ерда бизнинг миллий манфаатларимизни ҳеч қандай мураккаб геосиёсий тушуниш керак эмас”, деб таъкидлаган эди.²⁷ Маълумки, айнан эҳтиёж ва манфаатлар сиёсатнинг ҳар бир субъектини ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирокчи сифатида қатнашишида асосий сабаб бўлиб хизмат қилади. Демак, АҚШ неоконсерваторларининг Яқин Шарқ бўйича ташқи сиёсатида Исроил хавфсизлиги энг асосий устувор йўналишлардан ҳисобланади. Неоконсерватив ғоялар тарфдорларининг аксарият қисмини Исроил манфаатларини ҳимоя қилиш тарафдорлари ёки диний келиб чиқиши нуқтаи назаридан яҳудийлар ҳисобланиши ҳам Исроил хавфсизлиги муаммоси аҳамиятининг юқорилигини кўрсатади. АҚШ неоконсерватизмининг Яқин Шарқдаги геостратегиясининг барча йўналишлари бевосита Исроил хавфсизлиги билан боғлиқдир. 1990-йиллар бошида Ироқ ва Эрон асосий таҳдид солувчи омиллар сифатида эътироф этилган бўлса, бугунги кунда Эроннинг ядровий интилишлари ва ислом терроризми асосий хавф сифатида қолмоқда.

Исроил-Фаластин муаммоларига нисбатан АҚШ неоконсерваторларининг қарашлари АҚШ ташқи сиёсатидаги шу муаммога нисбатан “тинчлик жараёнлари” концепцияларига зид келаётганлигини кўриш мумкин. Умумий нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, АҚШ неоконсерваторлари исроилфаластин тинчлик жараёнларидан манфаатдор эмас. Чунки АҚШнинг “йўл харитаси” тинчлик музокараларига қўшилиши неоконсерватив доиралари томонидан самарасиз ҳаракат сифатида баҳоланишига сабаб бўлган. Неоконсерваторлардан Р. Перл доимо АҚШ кучларини дунёнинг барча чеккаларида ишлатишни ёқлаб чиқсада, араб ва фаластинликлар билан муомалада АҚШ бетарафлашган ва қуролсизлантирилган кичик Фаластин давлатини тузишдаги воситачиларга ёрдам кўрсатишини

²⁷ Kristol I. The Neoconservative Persuasion // [The Weekly Standard](http://www.weeklystandard.com/weblogs/TWSFP/)/http://www.weeklystandard.com/weblogs/TWSFP/

маъкуллайди.²⁸ 2007 йилнинг сўнгида кичик Ж. Буш ҳукумати ташаббусида уюштирилган Яқин Шарқ тинчлик жараёнлари муҳокамасига бағишланган “Аннаполис музокаралари”да АҚШ президенти ўз ваколат муддати тугагунча исроил-фаластин муаммосини ҳал этишни таъкидлаган эди. Лекин охириги сиёсий жараёнлардан кўриш мумкинки, бу муаммо ўзининг янги кескинлик босқичига кўтарилди. Умуман, неоконсерватив ғоялар таъсири остида исроил-фаластин муаммосининг бирор ижобий ечимга келишини пргноз қилиш мушқил. Вазиятнинг турғунлик ва кескинлик шароитида қолиши баъзан мақбул ҳолат, деб юритилади.

АҚШ ҳукуматининг хорижий давлатлар билан ҳарбий-техникавий ҳамкорлиги ҳам ташқи сиёсий стратегиялари амалиётида муҳим йўналишлардан бири ҳисобланад. Ҳусусан Форс Кўрфази араб давлатлари билан бу борадаги ҳамкорлиги бугунги кун АҚШ Яқин Шарқ сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўтган охириги ўн йилликларда Араб монархия давлатларининг ҳарбий-сиёсий ҳамкорликларида АҚШ ҳукумрон мавқени эгаллаб келмоқда. Бугунги кунда АҚШ Яқин Шарқ минтақасига қурол экспорт қилувчи энг йирик давлат ҳисобланади. 1999-2000 йиллар мобайнида минтақа мамлакатларига 29 млрд АҚШ доллари миқдоридаги ҳарбий маҳсулотлар етказиб берилди ва бу борада 33.3 млрд АҚШ доллари миқдорида янги шартномалар имзоланди.²⁹

АҚШ мудофа вазирлиги доимий тарзда Форс Кўрфази(ФК) араб давлатлари билан ҳарбий ҳамкорликни мустаҳкамлашни таъкидлаб келади. Пентагон раҳбари бу борада асосий эътиборни минтақада аксилтеррор кучлар ва ПРО тизимини ташкил этиш ва Эрон ракетавий таҳдидига қарши туришга қаратади.³²

Араб монархиялари билан ҳарбий-сиёсий ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш мақсадида 2006 йилда ФК давлатлари хавфсизлик мулоқати дастури ишлаб чиқилган бўлиб, у қуйидаги йўналишларда амалга оширишни мақсад қилади: араб давлатлари қуролли кучлари салоҳиятини ва мудофаавий имкониятларини кучайтириш йўллари муҳокама этиш; минтақавий хавфсизликни

²⁸ Halper S. and J. Clarke. America Alone: The Neo-Conservatives and the Global Order. Cambridge:Cambridge University Press, 2004. – Pp. 9–39.

²⁹ Юрченко В.П. Военно-техническое сотрудничество США с арабскими странами// <http://www.iimes.ru/rus/stat/2008/14-02-08a.htm> ³² Ўша жойда.

таъминлаш; минтақада ОҚҚ тарқалиши муаммолари; ФК давлатлари ички хавфсизлигини таъминлаш ва терроризмга қарши кураш; Ироқдаги воқеалар ривожини билан боғлиқ масалалар.

2006 йил августда АҚШ Қатар, Қувайт ва Бирлашган Араб Амирликлари(БАА) билан Ироқ ва Афғонистонда ҳарбий операцияларни таъминлаш манфаатларида бу давлатлар билан ҳудудларидаги ҳарбий ҳаво базаларидан узоқ муддатли фойдаланиш тўғрисидаги шартнома имзоланган. Бундан кўринадики АҚШ минтақадаги ўз мавқеини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун турли хил чора-тадбирларни фаол олиб бормоқда. Минтақадаги давлатлар билан иттифоқчиликни мустаҳкамлаш АҚШ неоконсерваторлик учун манфаатлар ижросини таъминлашда асосий омиллардан бири эканлиги аён бўлмоқда. Бугунги кунгача АҚШнинг минтақа давлатлари билан ҳарбий-сиёсий муносабатлари жадал давом этмоқда. Бу борада “араб баҳори” инқилобий жараёнларидаги ҳамкорликни ҳам таъкидлаш ўринли. Хусусан, Ливиядаги ҳарбий ҳаракатларда бир қатор минтақа давлатлари коалицион кучларни қўллаб-қувватлашди. Шу билан бирга “ИШИД” (Ироқ ва Шом исломий давлати) фаолияти билан боғлиқ бир қатор қарама-қарши ёндашувлар ҳам юзага келган (бу масалада қуйида фикр юритилади).

Умуман, АҚШ неоконсерваторлари томонидан илгари сурилган гоялар ва уларнинг ижроси АҚШнинг Яқин Шарқдаги геоиқтисодий ва геосиёсий манфаатлари учун бир қатор ижобий натижалар олиб келсада, янги АҚШ ҳукумати учун бир қатор муаммолар ечимини топиш вазифасини қолдирди. Кўпчилик хавотирига кўра, Афғонистон ва Ироқдаги операциялар АҚШнинг ҳар қандай ҳудудлардан чиқувчи таҳдидларга қарши турли хил ҳимоявий ҳаракатлари учун модел сифатида хизмат қилиши мумкин. Россиялик олим Е.Сатановскийнинг фикрига кўра, Ироқ – “барча барчага қарши” фуқаролар уруши ҳудуди бўлиб қолди. Бугунги Ироқ - халқаро жиҳоднинг амалиёт полигони сифатида эътироф этилмоқда.³⁰

Шунга қарамай бир қатор кескин сиёсат вакиллари мавжуд стратегиялар давомини манфаатли ҳудудларни йўқотмасликнинг асосий шартини эканлигини таъкидлашади. Хусусан, ўз даврида ОҚ уй аппарати бошлиғи Ж.Болтеннинг таъкидлашича, АҚШнинг Ироқдан тезлик

³⁰ Сатановский Е. Новый Ближний Восток // Международная жизнь. – 2006. - № 6. – С .139.

билан чиқиб кетиши нефть манбааларини назорат қилувчи террористик давлат тузулишига олиб келади. Бу каби чақириқлар бугунги АҚШ матбуотининг, хусусан, неоконсерватив, саҳифаларида кўплаб тилга олинмоқда. Ўз навбатида бундай сиёсий қарорларнинг нотўғри эканлигини исботловчи далиллар ҳам илгари сурилди. Масалан, жаҳонда кечаётган иқтисодий инқирозлар шароитида АҚШнинг ҳарбий ҳаракатлар учун сарфлаётган харажатлари ҳам ошиб бораётганлиги танқил қилинади. Ҳарбий харажатлар 2006 йил 350 млрд АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, тахминан ойига 8 млрд.дан ошиб бормоқда ва келгуси ўн йилликда бу кўрсаткич 1 трлн. АҚШ долларига етади. 2009 йилги маълумотларга қараганда, АҚШ Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлари учун 687 млрд. АҚШ доллари, Афғонистон учун эса 184 млрд. АҚШ доллари сарфлаган.³¹

Бир қатор таҳлилларда эса Буш маъмурияти томонидан БМТ Хавфсизлик кенгаши ҳамкорлигисиз терроризмга қарши курашиш фаолиятига киришиши Америка глобал кудрати легитимлигининг инқирози бўлиб, кўпчилик томонидан АҚШнинг халқаро фаолияти нолеgitим, дея эътироф этилишига сабаб бўлганлигини исботлашга уринган³². Неоконсерваторлар учун эса АҚШнинг Афғонистон ва Ироққа кириб келиши АҚШ геостратегиясининг асосий йўналишлари ва мақсадларини белгилаш ҳамда келгуси стратегиялар учун замин тайёрлаш учун улкан имкониятларни очиб берди.

АҚШ неоконсерваторларининг Ироқ операцияси учун асослари ва натижадан манфаатдорлар борасида ҳам турли –туман қарашлар мавжуд. Кўпчилик неоконсерватив мафкура танқидчилари ёндашувлари умумлаштирилганда қуйидаги манфаатдорлар гуруҳи ва сабаблар кўрсатилади:

Биринчиси, Ироқдаги ислом терроризми плацдармини йўқ қилиш, “Ал-Қоида” билан умумий алоқаларни узиш ва мавжуд террористик базаларни яқсон қилиш. Буюртмачилари яхудий неоконсерваторлар ва христиан евангелистлар;

Иккинчиси, тўғридан-тўғри ёки “қўғирчоқ” ҳукумат воситасида Ироқ нефть манбалари устидан назорат ўрнатиш, АҚШ ва унинг иттифоқчиларининг нефть қазиб чиқарувчи Форс кўрфази давлатларига

³¹ Петров В. Большой Ближний Восток в 2009 году // <http://www.islamnews.ru/news-16659.html>. - 03.01.2009.

³² McGlinchey S. Neoconservatism and American Foreign Policy. – *Politikon: The IAPSS Journal of Political Science*. – 2010, - Volume 16, - Issue 1. – P.31

қарамлигини камайтириш. Буюрмачилари нефть маҳсулотлари билан шуғуланувчи АҚШ компаниялари;

Учинчиси, С.Хусайн тузуми томонидан Исроилга бўладиган ҳарбий, ядровий ва террористик ҳавфларнинг олдини олиш. Буюртмачилари АҚШ ҳукумати тизимидаги сиёсий, молиявий, ҳуқуқий элитага мансуб Исроил тарафдорлари;

Тўртинчиси, АҚШнинг Яқин Шарқдаги геосиёсий ҳолатини кучайтириш, минтақадаги ҳамкорлари билан ҳарбий-сиёсий муносабатларни мустаҳкамлаш ва ҳарбий базалар салоҳиятини ошириш. Бу бевосита Эрон давлати билан боғлиқ. Буюрмачилар деярли барча АҚШдаги сиёсий элита вакиллари, фақат бир қатор ҳарбий ҳаракатларга қарши ҳаракатчилардан ташқари;

Бешинчиси, С.Хусайн тузумини ўзгартириш орқали бутун араб оламида демократлаштириш ғояларини тарғиб этиш. Буюртмачилар неоконсерваторлар, глобал демократик инқилоб ташаббускорлари ҳисобланиб, Исроил давлатига ва унинг Яқин Шарқдаги сиёсатига таҳдид қилувчи мусулмон давлатларини озод қилишга ҳаракат қилишади.

АҚШ неоконсерваторлари охириги эришилган натижалардан руҳланишар экан, келгуси мувофақиятлар ҳам кескинлик ва тезкорликни, гегемонлик стратегиясини тақозо қилишини таъкидлашади. Айниқса, Эронга босим ўтказишнинг кескин воситаларини тарғиб қилишмоқда. Бундан ташқари, беқарор Ироқдаги вазият ва бутун Форс кўрфази минтақасидаги норозиликлар тизгинини қўлга олишга, воқеалар ривожини сценарияларини шакллантиришга зўр бераётган назариётчилар ҳам мавжуд. Бундай қарашлар қарама-қарши ўлароқ, Ж.Сорос: “Терроризмга қарши кураш уруши Американи авваллари бунчалик даражада кучсизлантирмаган эди. 11 сентябр воқеаларидан бир йил ўтгач ҳеч бир америка тарихий даврида бўлмаган даражада Америка қудратининг ва дунёга таъсирининг пасайиши кузатилди”³³, деб таъкидлайди. Ж.Сорос неоконсерваторларни уюшган гуруҳ сифатида кўрмайди. Унинг учун улар хато қарорлар қабул қилиш орқали Ироқ инқирозига сабаб бўлган “Америка устунлиги ғояси курашчилари” дир.

Таниқли назариётчи З.Бжезевский ҳам АҚШнинг бугунги ташқи сиёсати борасидаги вазифаларга тўхталар экан, “Америка шуни яшироқ ҳис этиши жоизки, одамлар уни глобаллашувнинг адолатсиз модели

³³ Сорос Дж. Эпоха ошибок. Мир на пороге глобального кризис. - М., 2010. – С. 124

сифатида қабул қилса, бу ҳол жаҳонда янги аксиламерикан ғоясининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Америка ҳақиқатдан ҳам умумий глобал манфаатларга устуворлик берсагина ўзи доялик қилган жаҳон маданий инқилобидан сиёсий дивидент олиши мумкин”³⁴, дея хулоса қилади.

Хулоса қилганда, XXI аср бошида Америка тизимига икки хавф - хатар таҳдид солмоқда. Агар АҚШ ўз куч – қудратини анъанавий кучлар мувозанатини ушлаб туриш даражасида ишлатадиган бўлса, Америка тизими мўртлашади ва назоратни бошқалар ўз қўлига олиши эҳтимоли кучаяди. Агар АҚШ кучини ҳаддан ортиқ даражада ёки фаол ишлатадиган бўлса, тизим парчаланиши мумкин, бу ҳолда бошқаларнинг АҚШга қарши туриши имконияти ортади. Эндиликда эса, неоконсерваторлар Америка учун ўзларининг универсал ва зарурий бўлган ғояларини юзага келаётган кучлар дилеммасини ҳал этишга кўмаклашиш учун ишлатишлари керак.

АҚШнинг Яқин Шарқ қа Форс кўрфазидаги неоконсерватизма геостратегиясининг асосий йўналишлари борасидаги хулосалар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, бугунги глобаллашув даврида давлатларнинг иқтисодий барқарорлиги мамлакатнинг халқаро ва минтақавий мавқеи, ҳаётий муҳим манфаатларнинг асосий омилларидан биридир. Шу жиҳатдан АҚШ неоконсерватив минтақалараро стратегияларида ҳам АҚШ иқтисодий манфаатларини таъминлаш вазифаси устунлик қилади. Хусусан, нефть ва газ заҳираларига бой минтақалардаги сиёсати мазмунида геоиқтисодий манфаатлар ётади. АҚШнинг Ироқ тузумини ўзгартиришга қаратилган ҳарбий ҳаракатлари Ироқ нефти ва минтақадаги қувурўтказгичлар назорати манфаатлари билан боғлиқлиги мавжуд;

Иккинчидан, иқтисодий манфаатларни таъминлашга қаратилган ҳарбий ҳаракатлар натижасида аксиламерика кайфиятининг юзага келиши эҳтимолининг ҳисобга олиниши АҚШ неоконсерваторларининг Ироқдаги “демократлаштириш” ташаббусларини илгари суриш ва терроризм ўчоқларини йўқ қилиш фаолиятини давом эттириш имконини берди;

³⁴ Қаранг: Бжезинский З. Выбор: мировое осподство или глобальное лидерство. Москва, “Международные отношения”, 2007 // Эркаев А. Уч жиҳатдан туташ уч асар // Тафаккур. – 111-113 б.

Учинчидан, Форс кўрфазининг геостратегик аҳамияти ва минтақадаги ҳамкорлар хавфсизлигини таъминлаш вазифаларининг АҚШ неоконсерваторлари томонидан асосланиши, “Ёвузлик ўқи” образининг шакллантирилиши АҚШнинг минтақадаги фаол иштирокини таъминлади;

Тўртинчидан, минтақада гегемонликка даъво қилувчи, мафкуравий мухолфатдаги кучларнинг, хусусан, Эрон Ислом Республикасининг ядровий қурол ишлаб чиқишга бўлган интилиши минтақадаги беқарорликнинг бош омили бўлишига хавотирнинг юзага келиши АҚШнинг кўп томонлама неоконсерватив ташқи сиёсий концепциясининг шаклланишига туртки бўлди;

Бешинчидан, Исроил давлатининг яхлитлиги ва мавжудлиги неоконсерватив АҚШ яхудий жамоасининг бош сиёсий мафкурасига айланиши ва Эрон сиёсий етакчиларининг радикал кайфияти АҚШ ташқи сиёсатида минтақавий мувозанатни тутиб туришнинг реалистик парадигмасига таянишга туртки бўлди.

Адабиётлар

Mukhammadsidiqov, Mukhammadolim and Turaev, Abrar (2020) "INFLUENCE OF US NEOCONSERVATISM ON FORMATION OF NATIONAL SECURITY PARADIGM," *The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 3* , Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2020/iss3/12>

Abdusamadov, F., & Turaev, A. (2020). The Impact of Changes in Public Administration on the Development of Neoconservative Ideas in the United States. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

Abdusamadov, F. (2020). The policy of soviet power to limit private property in Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(4), 352355.

MUHAMMADSIDIQOV, M. ÖZBEKİSTAN'DA TOPLUMSAL YAŞAMIN ANA ÖZELLİĞİ HOŞGÖRÜ. *Atatürk Üniversitesi Sosyal Bilimler Dergisi*, (54), 7-14.

Мухаммадсидиков, М. (2009). Религиозная толерантность как главная черта общественной жизни Узбекистана. *Вестник Челябинского государственного университета*, (40).

Muhammadsidiqov, M. (2015). Stability of North African Region. *Int. J. of Multidisciplinary and Current research*, 3.

Тураев, А. С. НЕОКОНСЕРВАТИВНАЯ ПРАКТИКА: ОПЕРАЦИЯ" ИРАК. 1000 kopii., 45.

Turaev, A. (2020). АҚШ НЕОКОНСЕРВАТОРЛАРИ ҚАРАШЛАРИДА ГЕГЕМОНИК МАФКУРАСИНING АСОСЛАНИШИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(3). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/74

Turaev, A. (2020). AQSH NEOKONSERVATIZM MAFKURASI SHAKLLANISHING G'UYAVIY-SIYOSIY ASOSLARI. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 5(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/582

Turaev, A. (2020). Jahoniy hukmronlik mafkurasi. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 6(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/577

Turaev, A. (2020). EVOLUTION OF FOREIGN POLICY IDEOLOGY OF AMERICAN NEOCONSERVATISM. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(3). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/34

- Turaev, A. (2020). THE IDEOLOGY OF NEO-CONSERVATISM: THE ROLE OF SOCIOCULTURAL AND RELIGIOUS FACTORS. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(3).
извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/47
- Turaev, A. (2020). Минтақавий энергетик хавфсизлик: генезиси ва моҳияти. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 2(1).
извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/96
- Turaev, A. (2020). THE IDEOLOGY OF NEOCONSERVATISM IN THE CLASSIFICATION OF INTERNATIONAL RELATIONS. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(3).
извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/30
- Turaev, A. (2020). НЕОКОНСЕРВАТИЗМ В "БОЛЬШОЙ БЛИЖНИЙ ВОСТОК". *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(3).
извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/35
- Turaev, A. (2020). АҚШ НЕОКОНСЕРВАТИЗМ МАФКУРАСИ РИВОЖИДА СОЦИОМАДАНИЙ ВА ДИН ОМИЛИНИНГ ЎРНИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 6(1).
извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/587
- Turaev, A. (2020). Форс кўрфазида минтақавий энергетик хавфсизликни таъминлаш муаммолари. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 22(1).
извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1876
- Turaev, A. (2020). АҚШ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ НЕОКОНСЕРВАТИВ КОНЦЕПЦИЯЛАРГА ТАЪСИРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 8(1).
извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/770
- Turaev, A. (2020). Ташқи энергетик сиёсат ва энергетик дипломатия. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 22(1).
извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1877
- Тураев, А. С. (2017). НЕОКОНСЕРВАТИВНЫЕ ВЗГЛЯДЫ НА РЕФОРМИРОВАНИЕ ОБЩЕСТВА: ДЕМОКРАТИЗАЦИЯ И ИДЕОЛОГИЯ ГЕГЕМОНИЗМА. In *ФИЛОСОФИЯ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ* (pp. 267-273).
- Turaev, A. S. (2020). THE IDEOLOGY OF NEO-CONSERVATISM: THE ROLE OF SOCIO-CULTURAL FACTORS. In *ПЕДАГОГИКА. ПРОБЛЕМЫ, ПЕРСПЕКТИВЫ, ИННОВАЦИИ* (pp. 29-31).
- Turaev, A. (2020). Консерватизм мафкураси: АҚШда консерватив ғояларнинг шаклланиши ва уларнинг ўзига хос хусиятлари. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- Turaev, A. S. НЕОКОНСЕРВАТИВНАЯ ПРАКТИКА: ОПЕРАЦИЯ.
- Ochilova, V. (2020). ВОПРОСЫ ЦЕННОСТИ В ФИЛОСОФИИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(3).
извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/48
- Ochilova, V. (2020). ТАФАККУР ЖАМИЯТНИ БОШҚАРАДИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 2(1).
извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/147
- Ochilova, V., & АХМЕДОВ, Т. (2020). Жамият ва инсон: дахлдорлик ва юксалиш омиллари. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 2 (1).
извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/142
- Ochilova, V. (2020). Dynamics Of Social Sphere In Uzbekistan. *Архив Научных Публикаций JSPI*.